



Тел: (0-374) 223-49-21, факс: 228-39-72, Веб-сайт: www.oliysud.uz, эл.почта: and.vis@umail.uz

ҚАРОР

Андижон шаҳри

2022 йил 2 июнь

4-1701-2102/2070-сонли иш

Биринчи инстанцияда ишни
кўрган судья Б.Сатвалдиев

Апелляция инстанциясида маърузачи
судья Д.Убайдуллаев

Андижон вилоят судининг иқтисодий ишлар бўйича судлов ҳайъати, судьялар Т.Атабоев раислигида, А.Абдурахманов ва Д.Убайдуллаевдан иборат таркибда, судья катта ёрдамчиси Х.Тўхтасиновнинг котиблигида, Давлат активларини бошқариш агентлиги ҳузуридаги Бўш турган объектлардан самарали фойдаланишни ташкил этиш маркази [REDACTED]

[REDACTED] вакили [REDACTED] (2021 йил 9 июндаги 05/24-сонли ишончнома асосида),

[REDACTED] бўлими раҳбари [REDACTED], вакиллари [REDACTED], [REDACTED], Андижон вилоят [REDACTED] бошқармаси вакили [REDACTED]

(2022 йил 31 январдаги 01/13-35/27-сонли ишончнома асосида) иштирокида, Қўрғонтепа туманлараро иқтисодий судининг 4-1701-2102/2070-сонли иқтисодий иш бўйича чиқарилган 2021 йил 23 августдаги ҳал қилув қарорининг қонунийлигини Андижон вилоят [REDACTED] [REDACTED] томонидан киритилган апелляция шикоятини асосида Андижон вилоят судининг биносида, очиқ суд мажлисида кўриб чиқиб қуйидагиларни

а н и қ л а д и :

Давлат активларини бошқариш агентлиги ҳузуридаги Бўш турган объектлардан самарали фойдаланишни ташкил этиш маркази [REDACTED] [REDACTED] (бундан буён матнларда – “даъвогар” деб юритилади) судга даъво ариза билан мурожаат қилиб, [REDACTED]

[REDACTED] бўлимидан (бундан буён матнларда – “жавобгар” деб юритилади) 187 367 472 сўм жарима ундиришни сўраган.

Суднинг 2021 йил 11 августдаги ажрими билан Андижон вилоят [REDACTED] [REDACTED] (бундан буён матнларда – “ [REDACTED] ” деб юритилади) ва Андижон вилоят Ғазначилик бошқармаси ишга мустақил талаблар билан арз қилмайдиган учинчи шахс сифатида жалб этилган.

Биринчи инстанция судининг 2021 йил 23 августдаги ҳал қилув қарори билан даъво талаби қисман қаноатлантирилиб, даъвогар фойдасига жавобгардан 124 911 648 сўм жарима ундирилган. Даъво талабининг қолган қисмини қаноатлантириш рад қилинган.

Андижон вилоят суди Иқтисодий ишлар бўйича судлов ҳайъатининг 2022 йил 17 февралдаги ажрими билан ҳал қилув қарорининг устидан берилган апелляция шикоятини иш юритишга қабул қилиш рад этилган.

Ўзбекистон Республикаси Олий судининг 2022 йил 19 апрелдаги қарори билан Андижон вилоят суди иқтисодий ишлар бўйича судлов ҳайъатининг 2022 йил 17 февралдаги ажрими бекор қилинган ва иш апелляция инстанциясида



кўриб чиқиш учун Андижон вилоят суди иқтисодий ишлар бўйича судлов ҳайъатига юборилган.

Андижон вилоят [REDACTED] томонидан киритилган апелляция шикоятда, биринчи инстанция суди томонидан иш ҳолатлари тўлиқ ўрганилмаганлиги, моддий ва процессуал ҳуқуқ нормалари бузилганлиги ва нотўғри қўлланилганлиги каби важлар баён этилиб, биринчи инстанция судининг ҳал қилув қарорини бекор қилишни ҳамда даъво қаноатлантиришни рад этиш ҳақида янги қарор қабул қилишни сўраган.

[REDACTED] вакили шикоятда келтирилган важларини қувватлаб, даъво аризасига Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Давлат мулкни ижарага бериш тартибини такомиллаштириш чора-тадбирлар тўғрисида” 2009 йил 8 апрелдаги 102-сонли қарорини асос қилиб кўрсатган бўлса-да, ушбу қарор билан тасдиқланган “Давлат мулкни ижарага бериш тартиби тўғрисида”ги Низом талаблари нотўғри талқин этилганлигини, Низом 1-бандининг учинчи хатбошисида ушбу Низомнинг амал қилиши турар жойлар, ер участкалари, ер ости бойликлари участкалари, театр-томоша корхоналарининг мол-мулкни, шунингдек моддий маданий мерос объектларини ва уларга туташ ҳудудларни уларни ободонлаштириш ва зарур ҳолатда сақлаш бўйича инвестиция мажбуриятлари олган ҳолда ижарага беришга нисбатан татбиқ этилмаслиги белгиланганлигини, яъни, ер участкаларини ижарага бериш, давлат мулкни юридик ва жисмоний шахсларга марказлар орқали ижарага бериш тартибидан мустасно ҳисобланиши белгиланганлигини, биринчи инстанция судининг ажрими билан ишга учинчи шахс сифатида жалб этилган бўлса-да, бироқ суд мажлисида учинчи шахсларнинг иштироки таъминланмаганлигини билдириб, судлов ҳайъатидан шикоятни қаноатлантиришни ҳамда биринчи инстанция судининг ҳал қилув қарорини бекор қилишни ва даъво қаноатлантиришни рад этиш ҳақида янги қарор қабул қилишни сўради.

Даъвогар вакили шикоятда келтирилган важлар асосизлигини, биринчи инстанция суди томонидан моддий ва процессуал ҳуқуқ нормалари тўғри қўлланилган ҳолда асослантирилган ва қонуний ҳал қилув қарори қабул қилинганлигини, жавобгар фуқаролар билан ижара шартномаси тузиб, сув бўйи қирғоқларидан фойдаланиб келганлигини, давлат мулкни ижарага бериш ваколати фақат даъвогарга берилганлигини, ер участкаси ҳам давлат мулки ҳисобланишини, ижара шартномаси уч томонлама тузилиши кераклигини баён қилиб, шикоятни қаноатлантиришни рад этишни ва ҳал қилув қарорини ўзгаришсиз қолдиришни сўради.

Жавобгар вакиллари шикоятда келтирилган важларни қувватлаб, шикоятни қаноатлантиришни ва ҳал қилув қарорини бекор қилиб, даъво қаноатлантиришни рад этиш ҳақида янги қарор қабул қилишни сўради.

Судлов ҳайъати, тарафлар вакилларининг кўргазмаларини тинглаб, апелляция шикоятда келтирилган важларни иш ҳужжатлари билан биргаликда муҳокама қилиб, қуйидаги асосларга кўра, апелляция шикоятини қаноатлантиришни, биринчи инстанция судининг ҳал қилув қарорини бекор қилиб, даъво талабини қаноатлантиришни рад этишни лозим топди.

Аниқланишича, даъвогар томонидан бўш турган объектлар юзасидан мониторинг ўтказилиб, унда жавобгар ўзининг балансида бўлган Андижон тумани ҳудудида Норин-Қорадарё ирригация тизимлари ҳавза бошқармаси ҳузуридаги ирригация бошқармасига тегишли ҳудудлардаги бўш ерлар (мухофаза ҳудудлари) 2018 йилда 10,98 гектар, 2019 йилда эса 22,47 гектар ер майдонларини фуқароларга фойдаланиш учун белгиланган тартибда уч томонлама ижара шартномасини расмийлаштирмасдан, икки томонлама



шартнома асосида 2018 йил 1 январдан 31 декабргача ва 2019 йил 1 январдан 31 декабргача ижарага берганлиги, бунинг натижасида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2009 йил 8 апрелдаги 102-сонли қарори талабларини бузиш ҳолати аниқланганлиги қайд этилган.

Даъвогар Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Давлат мулкни ижарага бериш тартибини такомиллаштириш чора-тадбирлар тўғрисида” 2009 йил 8 апрелдаги 102-сонли қарори ва ушбу қарор билан тасдиқланган “Давлат мулкни ижарага бериш тартиби тўғрисида”ги Низомга (бундан буён матнларда – “Низом” деб юритилади) асосланган ҳолда жавобгардан жарима суммасини ундиришни сўраган.

Биринчи инстанция суди даъво талабини қисман қаноатлантириб, жавобгардан 124 911 648 сўм жарима ундириш ҳақида барвақт тўхтамга келган.

Чунки, Ўзбекистон Республикаси Олий ҳўжалик суди Пленумининг “Иқтисодий суднинг ҳал қилув қарори тўғрисида” 2007 йил 15 июндаги 161-сонли қарори 1-бандининг иккинчи хатбошисида суд томонидан қабул қилинган қарор моддий ва процессуал ҳуқуқ нормалари билан тўлиқ мос келиши, иш ҳужжатлари ва суд аниқлаган ҳолатларга мувофиқ бўлиши кераклиги, қайд этилган талабларга риоя этмаслик ИПКнинг 279 ва 302-моддаларига мувофиқ қарорнинг бекор қилиниши ёки ўзгартирилиши учун асос бўлиши мумкинлиги ҳақида тушунтириш берилган.

Биринчи инстанция суди томонидан иш юзасидан қарор қабул қилишда қайд қилинган тушунтиришларга риоя қилинмаган.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 102-сонли қарори 3-бандининг биринчи ва иккинчи хатбошиларида давлат мулки юридик ва жисмоний шахсларга марказлар орқали ижарага берилиши, қонун ҳужжатларида назарда тутилган ҳоллар бундан мустасно, давлат кўчмас мулкдан фойдаланганлик учун ижара тўловининг энг кам ставкалари Ўзбекистон Республикаси Давлат рақобат қўмитаси томонидан тақдим этилган ҳамда Молия вазирлиги ва Иқтисодиёт вазирлиги билан келишилган ижаранинг энг кам ставкаларини ҳисоблаб чиқиш асосида тегишли коэффицентлар белгиланган ҳолда ҳар йили 31 декабргача Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари томонидан тасдиқланиши белгиланган.

Шунингдек, ушбу қарорининг 4-банди билан Низом тасдиқланган бўлиб, Низомнинг 1-банди учинчи хатбошисида ушбу Низомнинг амал қилиши турар жойлар, ер участкалари, ер ости бойликлари участкалари, театр-томоша корхоналарининг мол-мулкни, шунингдек моддий маданий мерос объектларини ва уларга туташ ҳудудларни уларни ободонлаштириш ва зарур ҳолатда сақлаш бўйича инвестиция мажбуриятлари олган ҳолда ижарага беришга нисбатан татбиқ этилмаслиги белгиланган.

Яъни, ер участкаларини ижарага бериш – давлат мулкни юридик ва жисмоний шахсларга марказлар орқали ижарага бериш тартибидан мустасно ҳисобланади.

Бундан ташқари, даъвогар даъво суммасининг ҳисоб-китобини асослантириш ва биринчи инстанция суди даъвони қисман қаноатлантириш учун асосланган [REDACTED] ҳокимининг қарорлари билан тасдиқланган давлат кўчмас мулкдан фойдаланганлик учун ижара тўловининг энг кам ставкаларида ер участкалари учун ижара тўловининг энг кам ставкаси назарда тутилмаган.

Бундан кўринадики, биринчи инстанция суди низо юзасидан қарор қабул қилишда моддий ҳуқуқ нормасини нотўғри қўллаган ва бу ноқонуний қарор қабул қилишга сабаб бўлган.



Шу сабабли судлов ҳайъати, биринчи инстанция судининг ҳал қилув қарори тўлиқ бекор қилиб, даъво аризани қаноатлантиришни рад этиш тўғрисида янги қарор қабул қилишни лозим топди.

Биобарин, Ўзбекистон Республикаси Иқтисодий процессуал кодексининг (бундан буён матнларда – “ИПК” деб юритилади) 176-моддаси олтинчи қисмига кўра, суднинг ҳал қилув қарори қонуний ва асослантирилган бўлиши керак.

ИПКнинг 278-моддасига асосан, апелляция инстанцияси суди апелляция шикоятини (протестини) кўриш натижалари бўйича ҳал қилув қарорини тўлиқ ёки қисман бекор қилишга ва янги қарор қабул қилишга ҳақли.

ИПКнинг 279-моддаси биринчи қисмига кўра, иш учун ахамиятли ҳолатларнинг тўлиқ аниқланмаганлиги, моддий ва (ёки) процессуал ҳуқуқ нормаларининг бузилганлиги ёхуд нотўғри қўлланилганлиги, судининг ҳал қилув қарорини ўзгартириш ёхуд бекор қилиш учун асос бўлади.

ИПКнинг 118-моддаси биринчи, тўққинчи қисмларига биноан, суд харажатлари ишда иштирок этувчи шахсларнинг қаноатлантирилган даъво талаблари миқдорига мутаносиб равишда уларнинг зиммасига юклатилади.

Ишда иштирок этувчи шахсларнинг апелляция, кассация шикояти бериш билан боғлиқ ҳолда қилган суд харажатлари ушбу моддада баён этилган қоидаларга мувофиқ тақсимланади.

Баён этилганларга асосан судлов ҳайъати, апелляция шикоятини қаноатлантиришни, биринчи инстанция судининг ҳал қилув қарорини тўлиқ бекор қилиб, даъво талабини қаноатлантиришни рад этиш ҳақида янги қарор қабул қилишни, даъвогар томонидан тўланган суд харажатларини унинг зиммасига юклашни лозим топди.

Биобарин, ИПКнинг 118, 278, 279-моддаларини қўллаб, судлов ҳайъати

қ а р о р қ и л а д и:

Апелляция шикояти қаноатлантирилсин.

Қўрғонтепа туманлараро иқтисодий судининг 2021 йил 23 августдаги ҳал қилув қарори бекор қилинсин.

Янги қарор қабул қилинсин.

Давлат активларини бошқариш агентлиги ҳузуридаги Бўш турган объектлардан самарали фойдаланишни ташкил этиш маркази [REDACTED] нинг даъво аризасини қаноатлантириш рад этилсин.

Давлат активларини бошқариш агентлиги ҳузуридаги Бўш турган объектлардан самарали фойдаланишни ташкил этиш маркази [REDACTED] томонидан тўланган суд харажатлари унинг зиммасида қолдирилсин.

Қўрғонтепа туманлараро иқтисодий судининг 2021 йил 23 августдаги ҳал қилув қарори бўйича ундирувлар бекор қилинсин.

Қарор қабул қилинган пайтдан бошлаб қонуний кучга киради.

Қарордан норози тараф қарор қабул қилинган кундан эътиборан бир йил ичида Ўзбекистон Республикаси Олий судининг иқтисодий ишлар бўйича судлов ҳайъатига кассация тартибида шикоят (протест) бериши мумкин.

Раислик этувчи

Т.Атабоев

Ҳайъат аъзолари

А.Абдурахманов

Д.Убайдуллаев

